



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 9 апрель, пайшанба, №39 (3685).



## Президент

### ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Вьетнам Коммунистик партияси Марказий кўмитаси Бош котиби То Ламни Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан табриклади.

Давлат раҳбари ўз табригида мазкур сайлов натижалари Вьетнам халқи томонидан мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳамда халқаро майдонда миллий манфаатларни илгари суришга қаратилган сиёсатга бўлган юсак ишончининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Шунингдек, Қасим-Жўмарт Тўқаев Вьетнам ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини қайд

этиб, Вьетнамни мамлакатимизнинг Осиё минтақасидаги муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири сифатида эътироф этди.

Давлат раҳбари икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоқалари келгусида ҳам изчил муваффақиятларга эришишга умид қилди. Ушбу муносабатлар муваффақиятлар, Вьетнам халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилади.

Akorda.kz.



### НАРХЛАР ҲУКУМАТ НАЗОРАТИДА

#### ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН КЕЛИШУВ АСОСИДА БОЗОРНИ АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

Ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари Бош вазир ўринбосари – Миллий иқтисодиёт вазири Серик Жумангарин раислигида ўтказилган Ҳукумат йиғилишида кўриб чиқилди.

Кетма-кет олти ой давомида пулнинг қадрсизланиши секинлашаётгани кузатилаётганда: ўтган йилнинг сентябрь ойидаги 12,9 фоиздан 2026 йил март ҳолатига кўра 11,0 фоизгача пасайди. Тартибга солинадиган хизматлар соҳасида бу натижа табиий монополия субъектларининг сарф-харажатларини ойдинлаштириш орқали таъминланди. Ижтимоий аҳамиятга молик 31 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарор сақлаш мақсадида уларни ишлаб чиқарувчилар учун электр энергияси ва темир йўл транспорт тарифлари 70 фоизгача пасайтирилмоқда.

Март ойи ҳолатига кўра, йиллик озиқ-овқат баҳолари арзонашуви 11,7 фоизни ташкил этди, апрель ойининг биринчи ҳафтасида бу тоифадаги маҳсулотлар нархларининг ўртача ўсиш кўрсаткичи ўзгармади. Бундан ташқари, балиқ, ун ва кунгабоқар ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлашди.

Нархларни янада барқарорлаштириш мақсадида Савдо ва интеграция вазирлиги Чорвадорлар уюмаси билан меморандум имзолаш масаласини кўриб чиқмоқда. Ҳужжатга кўра, жорий йил охиригача гўшт маҳсулотлари гуруҳи учун чекланган (энг юқори) нарх белгилаш



орқали ички бозорни савдо тармоқлари орқали таъминлаш назарда тутилган.

Мавсумий бўлмаган даврда ички бозорни сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Қозоғистон делегациясининг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи ташкил этилди. Делегация таркибига Савдо ва интеграция вазирлиги, вилоят ҳокимликлари, шунингдек, йирик савдо тармоқлари вакиллари кирди.

Ташриф давомида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатидаги киритилган мева-сабзавот етиштирувчи ва экспорт қилувчи етакчи Ўзбекистон корхоналари билан икки томонлама музокаралар олиб борилди. Учрашувда Қозоғистон ички бозорига мева-

сабзавот экспорти ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Қозоғистон делегацияси Сурхондарё вилоятининг бир неча туманларига ташриф буюрди ва маҳсулотларни етиштириш, йиғиб олиш, қадоқлаш ва сақлаш ишлари билан танишди.

Музокаралар якунида Қозоғистон улгуржи бозорига нисбатан арзонроқ нархларда 1,4 минг тонна саби ва 400 тонна қарам этказиб бериш юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

Ўзбекистон томони маҳсулот сифатини назорат қилади ва етказиб бериш Қозоғистон ташувчиси иштирокида "яшил йўлак" дастаги орқали ташкил этилади. Томонлар, шунингдек, импорт учун зарур бўлган товар

лар рўйхатини шакллантиришни ўз ичига олган икки томонлама савдон янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилишди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, ҳозирги кунда вилоятлардаги барқарорлаштириш жамғармаларида ўтган йил ҳосилидан қолган сабзавотлар захираси жами 29,5 минг тоннани ташкил этмоқда.

Айни пайтда жами 13,1 минг тонна эртанги сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Шундан 10,8 минг тоннаси Туркистон вилояти деҳқонлари ҳиссасига тўғри келади.

Primeminister.kz  
маълумотлари асосида.

## Тақвим

Kazinform. Бу йил май ойида, Қозоғистонда 4та байрам нишонланади. Май ойида бешта дам олиш куни бор. 10 кун шанба ва яқшанбага тўғри келади.

Бундан ташқари, ушбу ойдаги тўртта байрам муносабати билан дам олиш кунлари берилади.

- Беш кунлик иш ҳафтаси учун:
- 1 май (жума)** – Қозоғистон халқлари бирлиги куни;
- 7 май (пайшанба)** – Ватан ҳимоячилари куни;
- 9 май – Ғалаба куни** (9 май шанбадан 11 май душанбага кўчирилди);
- 27 май (чоршанба)** – Қурбон ҳайитининг биринчи куни.

### Май ойи байрамлари



- Олти кунлик иш ҳафтаси учун:
  - 1 май (жума)** – дам олиш куни, 2 май (шанба) – иш куни, 3 май (яқшанба) – дам олиш куни;
  - 7 май (пайшанба)** – дам олиш куни;
  - 9 май (шанба)** – дам олиш куни, 10 май (яқшанба) – дам олиш куни, 11 май (душанба) – иш куни;
  - 27 май (чоршанба)** – Қурбон ҳайитининг биринчи куни муносабати билан дам олиш куни.
- Май ойида ҳафтасига 5 кун ишлайдиганлар 14 кун дам олишади. 6 кунлик жадвалда ишлайдиганлар эса 9 кун дам оладилар.

## Таҳлил

### ФОРС КЎРФАЗИДАГИ МОЖАРО ЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИГА ТАҲДИД СОЛМОҚДА

АҚШ ва Исроилнинг Эронга қарши ҳарбий ҳаракатлари жаҳон озиқ-овқат бозорларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг асосий сабаби – қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган ўғитлар бозорига узлишлар юзга келиши эҳтимоли билан боғлиқ.

Ҳозирда дунё Форс кўрфази мамлакатларидан экспорт қилинадиган ўғитларга сезиларли даражада боғлиқ. Хусусан, минтақа қарбамид (азотли ўғит) экспортининг тахминан 46 фоизи ва аммиакнинг 30 фоизини таъминлайди. Ушбу таъминот занжирининг ҳар қандай узлиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини чеклаб қўйиши мумкин.



#### ЎГИТЛАР – ОЗИҚ-ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИ

Мутахассислар фикрича, ўғитлар қишлоқ хўжалиги самардорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шу боис, ўғитлар етказиб беришдаги муаммолар озиқ-овқат нархларининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Можароларнинг салбий таъсири бозордаги ўзгаришларга бир неча ойдан сўнг сезилиши мумкин.

#### ҲАРБИЙ ВАЗИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИР

Форс кўрфази минтақасидаги кескинлик аввал нефть бозорига таъсир кўрстади. Натижада, хомашё нархлари ошиб, товарлар қимматлашди. Агар ўғитлар етказиб беришда ҳам муаммолар юзга келса, бу ҳолат озиқ-овқат бозорига ҳам ўз аксини топади.

Айниқса, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Африка ҳамда Яқин Шарқ давлатлари бундай ўзгаришларга сезиги ҳисобланади. Ушбу ҳудудларда ўғит нархларининг 40-50 фоизга ошиши озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашишига олиб келиши мумкин.

#### НИМА УЧУН ЎГИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОРС КЎРФАЗИДА ЖАМЛАНГАН?

Дунёдаги ўғитларнинг, айниқса қарбамиднинг асосий ишлаб чиқарувчилари Форс кўрфазида жойлашган. Бу, биринчи навбатда, минтақада табиий газнинг кўпчилиги билан боғлиқ. Табиий газ ўғит ишлаб чиқаришда асосий хомашёлардан биридир. Яъни, агар газ арзон бўлса, унда қарбамид ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Шунинг учун ўғит саноати газ нархи паст бўлган минтақаларда ривожланади.

Бироқ, ўғитлар бозорига асосий муаммо денгиз савдосининг ёпилишидир. Ҳормуз бўғози орқали нафақат нефть, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам ташилади. Бугунги кунда бўғоз атрофида вазиятнинг кескинлашуви туфайли Форс кўрфазидан ўғит ташиб ўтиш тўхтатилди. Натижада, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўғитларнинг нархи ошди. 2026 йил февраль ойида қарбамид бир тонна учун 440-500 долларни ташкил этган бўлса, март ойида у 600-700 долларгача кўтарилди. Жануби-Шарқий Осиёда эса нарх ҳатто бир тонна учун 750 долларга етди.

Айталик, Форс кўрфазидаги уруш пулнинг дунёвий қадрсизланишига олиб келади. Унинг таъсири биринчи навбатда озиқ-овқат шўъбасида сезилишини биламиз. Шунинг учун мамлакатлар озиқ-овқат нархларининг ўсишини чеклашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳатто уруш эртага тугаган тақдирда ҳам, нархлар пасайиши мумкин, бироқ урушдан аввалги даражага қайтиши гумон. Ўғит бозори эса нефть бозори каби тез ўзгармайди, бу ерда жамғарма бозорларининг таъсири анча паст.

Агар Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Африкадаги туپроқ бу баҳорда керакли микдорда ўғитланмаса, кузда ҳосил камаяди. Бундан ташқари, нефть баҳосининг ошиши туфайли ёқилги нархи ошади ва газ экспорти камаяди. Энг муҳими, логистика билан бирга бутун озиқ-овқат ишлаб чиқариш занжирини қимматлаштириш кузатилади.

#### ҚОЗОҒИСТОН ИНҚИРОЗГА ТАЙЁРМИ?

Қозоғистонда бугунги кунда ўғитлар бозори нисбатан барқарор. Мамлакатда ички ишлаб чиқариш ва импорт орқали эҳтиёж қопланмоқда. Шу билан бирга, давлат томонидан ўғитлар нархини субсидиялаш чоралари кўриломоқда.

Экспертларнинг фикрича, Қозоғистон минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мамлакат қўшни давлатларга, жумладан, Марказий Осиё ва Афғонистонга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Жаҳон бозоридagi ҳар қандай геосиёсий ўзгариш, айниқса ўғит ва энергетика захиралари билан боғлиқ муаммолар, озиқ-овқат нархларига таъсир кўрсатади. Шу боис, мамлакатлар таъминот занжирларини барқарор сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

А. АБДУФАТТОХ

Вилоятда халқаро транзит учун муҳим аҳамиятга эга Сариевот шаҳри айланма автомобиль йўлини барпо этиш ишлари бошланди.

Узунлиги 102,6 қақирим бўлган мазкур йўл республика аҳамиятига молик бўлиб, ҳудуд транспорт инфратузилмасини мустаҳкамлаш, шунингдек, йўловчи ва юк ташиш хавфсизлиги ҳамда қулайлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу йирик лойиҳа ишга туширилган, йўллардаги тир-бандлик муаммоси бартараф этилади, ҳудуднинг транспорт-логистика салоҳияти сезиларли даражада ошади.

Лойиҳани ишга тушириш маросимида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев, "KazAutoZhol" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Дархан Иманашев, Сариевот ва Келес туманлари оқсоқоллари иштирок этиб, эзгу тилаклар билдирилди.

## АЙЛАНМА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Замонавий андазалар асосида барпо этиладиган йўлда темирйўл кесимчалари, 22та кўприк, 4та дам олиш майдони, 26та автобус бекати, пиёдалар ўтиш жойлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари қурилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоиз, давлат раҳбари топшириқлари асосида ҳудудда йўл соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Хусусан, ўтган йили 863 қақирим йўл таъмирланган бўлса, жорий йилда қарийб 1138 қақирим йўлни янгилаш режалаштирилган.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.



## МИЛЛИЙ КИТОБ КУНИ НИШОНЛАНАДИ

Мамлакатимизда кутубхоначилар кунини нишонлаш тартибига ўзгартириш киритилди. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Маълум қилинишича, 2026 йилдан эътиборан кутубхоначиларнинг касбий байрами 23 апрель кунини нишонланади. Ушбу сана Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқайев ташаббуси билан жорий этилган Миллий китоб кунини билан бир вақтга тўғри келади.

Вазирлик таъкидлашича, икки байрамнинг бир кунда нишонланиши уларнинг аҳамиятини янада оширади ҳамда кутубхоналарнинг билим тарқатиш ва маданий меросни асрашдаги ўрнини алоҳида эътироф этади.

Янги сана мутолаа маданиятининг ижтимоий ва касбий аҳамиятини уйғунлаштириб, турли маърифий тadbирларни юқори савияда ташкил этиш имконини беради.

Ҳозирги кунда Қозоғистонда 12 мингга яқин кутубхона фаолият юритмоқда. Ушбу соҳада 20 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда.

Эътиборлиси, 23 апрель ЮНЕСКО ташаббуси билан халқаро даражада нишонланадиган Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи кунини сифатида ҳам эътироф этилган.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

### Тайинлов

Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари этиб **Еркебулан Абилаханди Даулбаев тайинланди.**

Еркебулан Даулбаев 1978 йил Жанубий Қозоғистон вилоятида туғилган. М. Аюезов номидаги ЖҚДУ ва Россия божхона академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1999 йил ҚР Молия вазирлиги Божхона назорати қўмитасининг ЖҚВ бўйича Божхона назорати департаменти назирлигидан бошлади. 2010-2012 йилларда ЖҚВ Давлат меъморчилик-қурилиш назорати

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ ТАЙИНЛАНДИ

бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи, лицензиялаш бўлими бошлиғи, ЖҚВ қурилиш бошқармаси раҳбари ўринбосари, 2013 йил вилоят Божхона назоратининг Контрабандага қарши кураш бошқармаси раҳбари, 2013-2014 йилларда вилоят қурилиш бошқармаси раҳбари бўлди. 2018-2020 йилларда Жамбил вилоят ҳокими маслаҳатчиси, ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2021 йилда ҚР Президенти Девонининг

давлат ноziри, 2022-2023 йилларда ҚР Индустрия ва инфратузилмавий тараққиёт вазири ўринбосари, 2023-2024 йилларда Туркистон вилоят ҳокими маслаҳатчиси, 2024 йил декабрдан вилоят ҳокими девонига раҳбарлик қилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Е. Даулбаев қурилишга доир соҳаларга етакчилик қилади.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.



### Таҳлил

Инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш сўнги пайтларда шаклланган масала эмас. У ҳамма вақт, ҳар бир давлат олдида турган долзарб вазифа бўлиб келган. Зеро, бу ҳаётнинг асосини ташкил этади.

Дастлаб очлик ва тўйиб овқатланмасликка қарши кураш олиб борилган. Кейинчалик ишлаб чиқариш ва умумий тараққиёт туфайли одамларнинг яшаши ҳамда унумли фаолият юритиши учун муайян миқдордаги озиқ-овқатга эҳтиёжини таъминлашга эътибор қаратилган. Энди эса мутахассислар олдида соғлом ҳаёт кечирishi учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси турибди. Дунё аҳолиси билан бирга озиқ-овқатга эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Бундай ҳолатда қуйидаги савол туғилиши табиий: қишлоқ хўжалиги ва табиат неъматлари бу талабларни таъминлашга қай даражада қодир?

Мазкур масала узоқ йиллардан буён кун тартибидан тушмай келмоқда. Айни пайтда эса аҳамияти сезиларли даражада ошди. Қишлоқ хўжалиги – инсоннинг ноёб фаолияти. Бошқа ҳеч қандай ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигининг ўрнини тўлақонли боса олмайди. Яна бир жиҳати: бу фаолият замирида асосий ноёб табиий бойликлар – ер ва сув ётади. Соҳанинг муваффақиятли тараққиёти уларнинг мавжудлиги ва ҳолатига боғлиқ.

Бугун табиий захиралар билан боғлиқ вазият кескинлашмоқда. Иқлим ўзгаришига оид табиат ҳодисалари эса қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Кун сайин кўпайиб бораётган дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида одамзоднинг бошқа соҳалардаги фаолияти захираларга ҳам катта босим беради. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги ерларининг табиий унумдорлиги пасайиб бормоқда.

Чекка ва олис ҳудудларни обод ва файзли гўшага айлантириш, аҳоли ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган шарт-шароитлар яратиш, инфратузилма тармоқлари қуриш, таъмирлаш йўлида олиб борилаётган “Тоza Қозоғистон” давлат дастури мезонлари асосида амалга оширилаётган ободлик, бунёдкорлик ишлари кўплаб оилалар ҳаёт тарзига янги нафас, умид, кўтаринкилик олиб кирди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозир қишлоқ хўжалиги фаолияти учун яроқли ернинг 40 фоизи чўлланиш ва деградацияга учраган. Иқлим ўзгариши туфайли музликлар эримокда, сув захираси камаймоқда.

Сўнги бир неча йилда сайёрада ҳарорат мисли кўрилмаган даражада кўтарилиши кузатиляпти. Фаразларга кўра, бу ҳолат келгусида ҳам давом этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда табиат қонуниятларига эътибор бермаслик, аксинча, уларни инкор қилиш мазкур жараённинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Албатта, бундай ҳолатни фақат қишлоқ хўжалиги билан боғлаш нотўғри. Одамзотнинг бошқа йўналишлардаги фаолияти, умуман олганда, турмуш тарзи сайёрамизнинг мазкур ҳолат билан тўқнашишга ҳисса қўшиди. Аммо бундан кўпроқ қишлоқ хўжалиги жабрланмоқда, озиқ-овқат муаммоси кескинлашмоқда.

Бу каби муаммолар дунёнинг барча давлатида мавжуд. Бироқ бизнинг ҳудудга таъсири кўпроқ. Дубайда ўтказилган экологик саммитда Президентимиз таъкидлаганидек, минтақамизда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар юқоридир. Шу сабабли, сўнги йилларда жуда иссиқ кун-

# АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?



лар сони икки баравар ортиди. Бунинг натижасида сайёрамиз музликларининг учдан бир қисми эриб кетди.

Хўш, ҳозирги вазиятдан чиқиб йўли борми, бу қийинчиликларга қандай қарши тура олиш мумкин? Қандай чора-тадбирлар туфайли табиий захираларни сақлаб қолиш, озиқ-овқат танқислиги муаммосини ҳал қилса бўлади? Бу борада сезиларли ютуқларга эришган мамлакатлар тажрибасига кўра, бунинг негизинда асосий ишлаб чиқариш кучи бўлмиш инсоннинг эркин фаолияти, салоҳиятини сафарбар этувчи, юқори самарали меҳнатга ундовчи хўжалик юритиш дастаги турибди. Шу туфайли фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар, бугунги вазифалар эртанги кун манфаатлари билан уйғунлашди.

Бундай хўжалик юритиш дастаги бозор тамоийлларига асосланган бўлиб, давлат ва ишлаб чиқарувчиларнинг ягона мақсад сари ҳаракатланишини таъминлайди. Қолаверса, бунинг миллий миқёсдаги давлат-хусусий шериклик, деб аташ мумкин. Бунинг шарофати билан мамлакат иқтисодиёти оқилона тараққиёт йўлида кенг имкониятлар очилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, давлатнинг вазифаси аграр соҳада турли ташкилотларнинг муваффақиятли иш юритиши учун иқтисодий, ҳуқуқий шароит яратилишига қаратилиши керак. Оилавий, чорва ва деҳқон хўжалиқлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ҳамда ширкатлар, ўз фаолиятини тенг ва эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатнинг фақат ўзи ҳал қилиши керак бўлган масалалар ҳам бор. Улар қаторига ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи, агро-мухитни муҳофаза қилувчи андазаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифалари қиради.

Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар-

да муваффақиятли амалга оширилган аграр ислохотлар юқоридаги тамоийлларга асосланди. Хитойнинг муваффақияти барчага маълум. Туркистон вилояти вакиллари бир неча бор ушбу мамлакатга тажриба ўрганиш учун борди. Эришилган ютуқлар негизинда бозор дастаги турибди. Чекланган табиий захиралар билан дунёдаги энг кўп аҳолига эга бўла туриб, уни қашшоқликдан чиқариш осон масала эмас эди. Ҳозир Хитой ушбу масалаларни ҳал қилиш билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга чиқармоқда.

Қозоғистон ҳам табиий қийинчиликлар, жумладан, сув танқислиги, ер деградацияси ва иқлим ўзгариши оқибатларига қарамай, қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан ютуқларга эришиши мумкин. Мамлакатимиз бозор тамоийлларига асосланган иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса Давлат раҳбари ташаббуси билан бошқарувнинг марказлашган усулларини чеклаш, ишлаб чиқариш тузилмалари фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятида рақобат муҳитини яратиш ва бошқа жиҳатларда намоён бўлмоқда. Мазкур сайё-ҳаракатларнинг барчаси натижасини берапти.

### ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ: АГРАР СОҲАДА ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Туркистон вилояти сўнги йилларда аграр соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган минтақалардан бирига айланди. Мазкур ўзгаришлар қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, минтақа иқтисодиётининг барқарор тараққиётига хизмат қилмоқда.

Минтақанинг иқлим шароити, ер захиралари ва меҳнат салоҳияти соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Шу боис бу ерда сўнги йилларда замонавий технологияларни жорий этиш, чорва ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш каби сув тежовчи технологиялар изчил жорий этилмоқда. Бу эса сув сарфини камайтириб, экинлар ҳосилдорлигини ҳам сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, суғориш тизимларини рақамлаштириш орқали сувни тақсимлаш ва назорат қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Аграр соҳада рақамлаштириш жараёнлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Замонавий ахборот тизимлари орқали ер майдонлари ҳисобга олинмоқда, субсидиялар ажратиш жараёни шаффофлаштирилмоқда, деҳқонлар учун интерактив хизматлар йўлга қўйилмоқда. Бу эса давлат қўллаб-қувватлови самарадорлигини ошириш билан бирга, расмиятчилик тўсиқларини камайтирмоқда.

Вилоятда мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачилик соҳаларида ҳам ислохотлар самараси яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, экспортга йўналтирилган замонавий бодзорчилик ва иссиқхона хўжалиқлари ривожлантирилмоқда. Бу орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш билан бирга, хорижий бозорларга чиқиш имкониятлари кенгаймоқда. Чорвачилик соҳасида эса наслчилик ишларини яхшилаш, ветеринария хизматларини рақамлаштириш ва озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий хўжалиқларда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари жорий этилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилмоқда.

Шу билан бирга, аграр соҳада кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Туркистон вилоятида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги таълим муассасалари ва илмий марказлар фаолиятини кучайтириш орқали замонавий билим ва технологияларни амалиётга жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларни соҳада сақлаб қолиш – келажак аграр сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати – кооперацияни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини кенгайтиришдир. Бу орқали қўшимча қиймат яратиш, деҳқонлар ва чорвадорлар даромади оширилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Туркистон вилоятида амалга оширилаётган аграр ислохотлар тизимли ва изчил тус олган бўлиб, улар қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Замонавий технологиялар, сувни тежаш, рақамлаштириш ва инсон капиталига сармоя жалб қилиш каби йўналишлар келгусида ҳам вилоятнинг аграр салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

А. АБДУФАТТОҲ.

»» Обуначиларимиз орасида

## АБДУЛЛА УСТАГА ТАШАККУР



Наврўзи олам шарафига хонадонидида дошқозонда сумалак қайнатиб, кўпчиликка тортиқ қилиб фаол обуначиларимиз Эркин Қолимбетов укаси Худойберган Зиёш ўғли билан дунёдан ўтган ота-онаси, қариндош-уруғлари, хусусан, хонадон соҳибаси Рўзика Турсунмат кизини ёд этиб, Қуръон тиловат қилишди.

Оила аъзолари билан ба-маслаҳат ҳолда хатна устаси, фаол обуначимиз, Учқайиқ қишлоқ ўЗМБ раиси Абдулла Расуловни таклиф этиб, невараси – Элёр Муҳаммаджон ўғли қўлини ҳаллолади. Таомилга мувофиқ тадбирда Элёрнинг тоғаси Наримон Учқун ўғли ҳам иштирок этди.

– Абдулла Расулов нафақат Туркистон, балки вилоятимизда ҳам таниқли, қўли энгил хатна устаси. Макка ва Мадина шаҳарларида ҳам ушбу амалларни адо этиб, олқиш олганини “Жанубий Қозоғистон” газетасидан ўқиб, унга ҳурматим янада ортди. Ота-боболаримиздан қолган табаррук хатна анъанасини эътиқод ила давом эттириб, эл олқишини олаётган Абдулла устага

эҳтиром ила миннатдорчилигимни билдираман. Неварамиз Элёр Муҳаммаджон ўғли жорий йили кузда А. Навоий номли мактабга ўқишга боради. Ушбу таълим масканида ота-оналар қўмитаси раиси бўлиб ишлаганман – деди Эркин ҳожи Қолимбетов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: хатна устаси Абдулла Расулов Эркин Зиёш ўғли хонадонидида.

**P.S.** Моҳир хатна устаси, фаол обуначимиз, эл бирлиги, тотувлиги ўйлидаги фаолияти кўплаб мукофотлар, хусусан, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” кўкрак нишони билан тақдирланган Абдулла Расулов 2026 йилнинг иккинчи ярмига Учқайиқ қишлоғида йигирма нафар хонадонни 35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна эттиришини маълум қилди. Барча сadoқатли обуначиларимиз – эл эътиборини қозонган нуруний отахонларга мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

»» Бугун А. Темур таваллуд топган кун

## АМИР ТЕМУР – ШАХМАТ УСТАСИ

Амир Темур кўп вақтини шатранж ўйини устида ўтказган. У ўз даврининг машҳур шатранжчилари билан бемалол беллаша олган.

Хилда Хукхэм,  
инглиз ёзувчиси.



Амир Темур, кўп машҳур муаррихлар таъкидлаганларидек, илм қадрига етадиган, уни ривожлантиришга астойдил бел болаган, дунёнинг энг етук олимлари, тарихчилари билан бемалол суҳбатлаша оладиган зукко ва донишманд ҳукмдор эди. Соҳибқирон ўзининг тузуқларида “ақлли, тажрибали, ўқимишли олимларни энг ишончли кишилар, улар билан кенга қилишимга лойиқ инсонлар, деб билдим, уларни ўз атрофимга тўпладим”, деб ёзади. “Муҳандислар билан иттифоқда бўлиб, олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа-тарихини чиздирдим”, деб айтиши бежиз эмаски, шу боис ўқимишли олимларнинг қадрига етган. Амир Темур ўз ақлини чархлаб туриш учун доимий равишда шахмат ўйнаб тургани маълум.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ўтрор шаҳрига бир неча бор сафарларга отланган. 1405 йил январь ойида ўтрорга келганда, ўтрор шаҳри ҳокими Бердибекнинг саройига тушган эди. ўтрор қалъаси асрлар давомида хонликлар орасида ўзаро урушлар натижасида харобага айланиб, бугунги кунда очиқ осмондаги археологик музейга айланган. Археологлар ўтрор қалъасини ўрганиш борасида Бердибекнинг саройини тахминлаб, аниқлашга муяссар бўлдилар.

Таниқли археолог, тарих фанлари доктори, Х. А. Ясавий номидаги Қозоқ-турк университетининг профессори Мухтар Қўжа ўзининг “Ўрта асрдаги ўтрор: ривоятлар, маълумотлар, изланишлар” номли монографиясини ёзган, ўтрор қалъаси ва атрофидаги ҳудудларнинг ўрта асрдаги ҳолати ҳақида изланишлар олиб борган олимлардан биридир. Ана шундай изланишлар борасида Амир Темурнинг бекларидан бири, ўтрор қалъасининг ҳокими Бердибек Сари Буға ўғлининг саройи харобалари ўрнида топилган ноёб топилмалар ҳақида бундай ёзади:

“Бу муҳташам бинонинг Бердибек саройи эканлигини тасдиқловчи яна бир далил – турар-жойининг бир хонаси худудидан фил суягидан ясалган шахмат донаси топилганидир. Бу ўтрор тепалигида сўнгги 35 йилдан ортиқ вақт давомида олиб борилган қазилма ишлари натижасида топилган дастлабки шахмат тоши бўлиб, умумий шакли ва унинг тепасида тожнинг борлигига қараб, тошни шох ёки фарзин эканини аниқ айтиш мушкул, аммо бу шахмат донасининг юзасидаги безакларга қараганда, шох донаси эканлиги кўринади. Фил суягидан ўйиб ишланган бу шахмат донасининг таг қисми диаметри – 2,8 см, юқори қисми диаметри – 2,7 см, баландлиги эса – 3,1 см. Умуман олганда, ўрта асрларда шахмат донаси ана шундай кичик бўлган.

### ЎТРОРДА ТОПИЛГАН ШАХМАТ ТОШИ

Шубҳасиз, сарой аҳли ўйнаган шахмат донаси эканлигига шубҳа йўқ. Амир Темурнинг ўзи ҳам шахмат ўйинини жуда яхши кўрган ва унга катта қизиқиш билдирган.

Юқорида Мухтар Қўжанинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда, Амир Темур нафақат ўтрорда, балки қаерда имкон бўлса, бўш вақтларида шахмат ўйини билан машғул бўлган.

Ибн Арабшоҳ “Ажойиб Ал – мақдур” китобида Амир Темур ўз даврининг машҳур шатранжчилари билан тенгма-тенг қарбатда бўлганлиги ҳақида ёзади: “Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақл ал-Хайми ва Зайн ал-Яздий ҳамда бошқалар. Шатранжчиларнинг алломаси фикҳчи, ҳадисчи (олим) Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда кўяр ва ундан ғолиб чиқар, Ибн Ақилга эса битта от қўйиб, унинг устига миниб оларди (енгарди). Темур шарқу ғарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалида (шахмат ўйинида) ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шох жангда ҳам, (шахмат) ўйинида ҳам ундан (енгилиб) бўлди. Темур Алоуддинга: «Гуё мен мулк сиёсатида ягона бўлган мин каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўксан». Шунингдек, яна у бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсими ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз, даярди. Шахмат ўйини-ю мансубалари илмида унинг (ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан ўйинда чуқур ўйламасдан (унинг) фикри ҳаддига етишга ҳеч бирон кимса қодир эмасди. (Ибн Арабшоҳ “Ажойиб Ал – мақдур” Тошкент. “Меҳнат” нашриёти 1 б.)

Бу ўйинда у катта маҳорат кўрсатиб, ўша даврининг кучли ўйинчилари билан беллашган. Бир кун у шундай шахмат ўйини устида ўтирган пайтда: “Темур нариги қирғоқдан Сайхун тарафига қаратиб бир шаҳар бунёд қилишларини буюрди ва дарё устига қайиқ ва кемалардан кўприк ясапти, шаҳар билан боғлади. Бу шаҳарни у Шоҳруҳия деб атади: шаҳар кенг бир жойга жойлашгандир. Темурнинг ўз ўғли Шоҳруҳини ва ушбу шаҳарни ҳам шу ном билан аташининг сабаби шуки, у ўша қирғоқда ушбу шаҳарни қуришни амр қилган бўлиб, Темур ўз оdatига кўра, ўз хоҳишларидан бири билан шатранж ўйнаш билан машғул эди. Шу пайт Темурга ҳамроҳ бўлган севимли маъшуқаларидан бири хомилдор эди. Темур ўз рақибни “шоҳ”ига қарши “рух”ни ташлади, бундан рақибни танг ҳолга тушиб турган шу пайтда бирдан икки чопар иккита қувончли хабар келтирди: бири ўғил бола туғилганини, иккинчиси – шаҳар қурилиб битганини башорат қилди. Темур уларнинг иккаласини (чақалоқ ва шаҳарни) бу исм Шоҳруҳ билан атаб, улар шу белги билан нишонланди. (Ибн Арабшоҳ “Ажойиб Ал – мақдур” Тошкент. “Меҳнат” нашриёти 118-119 б.) “Шоҳруҳ” деб шатранж ўйинида шундай ҳолатга айтиладики, бунда “рух” “шоҳ”га шиддатли ҳужум қилади.

Амир Темур шахмат ҳурматида, шахматдаги доналар номи билан – Шоҳ ва Рух номларидан келиб чиққан ҳолда фарзандига Шоҳруҳ деб ном қўяди. Янги қурилган шаҳарга эса Шоҳруҳия деб ном берилди.

«Шоҳруҳ» деб шатранж ўйинида шундай ҳолатга айтиладики, бунда “рух” “шоҳ”га шиддатли ҳужум қилади.

XV асрда Соҳибқироннинг фармонида биноан бунёд этилган Шоҳруҳия шаҳрининг қолдиқлари бугунги кунда Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуюлиш жойидан 15 чакирим юқори ҳудудда мавжуддир.

Салимжон ҒАНИЕВ,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (pHd)  
Халқаро Амир Темур жамғармаси  
Қозоғистон бўлими раиси ўринбосари.

Кентов шаҳридаги тажрибали устоз Мансур Акешов раҳбарлик қилаётган Ў. Жанибеков номли кўп соҳали мактаб-гимназиясининг билим соҳасида эришган ютуқлари залворли.

## ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ ЗАФАРГА БОШЛАЙДИ



Хусусан, 9-синф ўқувчиси Али Мирмаҳсудов 2025-2026 ўқув йилида умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган республика олимпиадаси вилоят босқичида ғолиб чиқиб, фахрли биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

10-синф ўқувчиси Отабек Дадахонов ҳам республика илмий лойиҳалар танловининг вилоят илмий босқичида фаол иштирок этиб, иккинчи даражали диплом соҳиб бўлди. Ҳар иккала пешқадам ўқувчининг юксак зафарларга эришишида

заҳматқаш устози Надима Носированинг хизматлари беқиёс. Иқтидорли ўқувчиларни тайёрлагани учун ҳурматли устоз республика миқёсидаги ташаккурнома билан тақдирланган.

Шаҳар миқёсидаги “Тилга ҳурмат – элга ҳурмат” танловида мактабимизнинг 6-7-9-синф ўқувчилари Дамир Ғуломов (1-ўрин), Ойша Сиддиқова (2-ўрин), Шодиёна Абдумўминова (3-ўрин) фаол иштирок этиб, теран билимларини намойиш этишди. Улар келажакда қандай касбни танлашидан қатъий назар, тилни теран ўрганганлигининг шарофатини кўрадилар.

Седора СОЛИШЕВА,  
Ў. Жанибеков номли  
мактаб кутубхоначиси.

Тасвирларда: гимназия мактабининг пешқадам устозлари иқтидорли шогирдлари билан.

Муаллиф суратга олган.

Наврўз байрами мактабимизда кенг нишонланди. Қизлар атлас ва адрас кўйлақларда, ўғил болалар эса беқасам тўн ва дўппида келишди. Катта концерт дастури ташкил этилди. Ўқувчилар Наврўз ҳақида шеърлар айтиб, қўшиқлар куйлашди ва миллий рақслар ижро этишди. Ўқитувчилар ва ота-оналар болаларнинг санъатини мамнуният билан томоша қилишди.

Тадбирда миллий таомлар танлови ҳам ўтди. Ўқувчилар оналари билан бирга тайёрлаган миллий таомларимиздан – холвайтар, кўк сомса, қатлама, ҳалим, сумалак, чак-чак каби турли пишириқлар билан дастурхон тузаб, байрам иштирокчиларини меҳмон қилишди.

Байрамда турли миллий ўйинлар намойиш этилди. Ўқувчилар арқон тортиш, югуриш каби турли қизиқарли мусобақаларда иштирок этишиб, чاقқонлиги, абжирлигини намойиш қилишди.

Наврўз – тинчлик, дўстлик ва эзгулик байрами.

Ўқувчилар байрамда фаол иштирок этишди.



## ДИЛЛАРДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ



Улған Мамешова бошқараётган мактабимизда ўтказилган Наврўз тантанаси ўқувчилар учун улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу байрам орқали болалар миллий анъаналар ва урф-одатлар билан танишдилар. Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Айгул Унласбек, ташаббускор ўқитувчилардан Г. Ёрматова, Г. Анорматова, Н. Ўтенибоева, Г. Солибековалар ҳам байрамни ташкил этишда салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўқувчилар жамоавий ишларда қатнашиб, бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишни, бирдамликни ва меҳр-оқибатни ҳис қилдилар.

Меҳрихон ҚҮРЧИЕВА,  
С. Кўбеев номидаги  
56-сонли умумтаълим  
мактабининг муаллимаси.  
Шимкент шаҳри.

»» Обуначиларимиз орасида

# ФАХРИЙ ҲОРДИҚҚА КУЗАТИШДИ

Саврон тумани Қўшқўрғон қишлоғидаги умумтаълим мактаби ўқитувчилари директор Меҳринсо Иззатуллаевани нафақа ёшига тўлиши муносабати билан эҳтиром ила фахрий ҳордиққа кузатишди.

М. Иззатуллаева Низомий номиди Тошкент педагогика институтининг математика факультетини 1986 йили тамомлагач, Саврон туманининг турли мактабларида меҳнат қилди. Директорлик фаолияти Чоға ҳамда Қўшқўрғон қишлоғидаги мактабларда кечди.

Чорак аср муқаддам академик Восит Воҳидов номи Чоғадаги мактабга берилишида ҳамкасби Зиёвуддин Мирзаев (марҳум) ҳамда "Жанубий Қозғоғистон" газетаси таҳририятининг ҳамкорликдаги саяҳатлари самарали бўлди. Ушбу мактабда 105 ёшдаги УВУ фахрийси Аббос Худойбергенов, шоирлар Эрнатар Рўзиматов, Пўлат Иброҳимов, вилоят маслаҳати депутати Муталлиб Йўлдошевлар билан ўтган учрашувлар шонли тарих. Алмашув тартибида Қўшқўрғон қишлоғидаги мактабга раҳбар этиб тайинланганида таълим-тарбия савияси юксалиб, газетамиз обунаси кўрсаткичи ҳам ортди.

Байрамона безатилган мактаб мажлислар залида М. Иззатуллаевани ҳамкасблари Суръат Мирзахонов, Сумбулхон Аҳмедова, Бахтжон Почтахон



ўгли, Ҳ. Жанибеков ва В. Воҳидов номли мактаб директорлари Дилмира Файзиёва, Тойир Басанов, ўқувчилар, қариндош уруғлари муборакбод этишди. Туман УЭМБ раиси Қурбонбой



риятининг кутлов хати ҳам тантанали равишда топширилди.

Туман ҳокими Мақсат Танғатаров номидан ўринбосари Бахтжан Кенесбекули ҳамда таълим бўлими раҳбари Ғани Аметбековлар табрик нутқида М. Иззатуллаеванинг кўпйиллик самарали меҳнати эътироф этилиб, унга "Саурон ауданина сиңирган еңбектери ўшн" кўкрак нишонини тақдим этишди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Муаллиф ва Бахтжон ПОЧТАХОН ўгли тасвирлари.**

**P.S.** Ҳар ҳафта шоир Почтахон Бобоҷонов қабул қилиб, фарзанди Бахтжон Почтахон ўгли саяҳатлари ила мактабга ва бошқа обуначиларга шартнома асосида етказиладиган 35 ёшдаги вилоят "Жанубий Қозғоғистон" ижтимоий-сиёсий газетасига обуна давом этмоқда.

## МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ



Ҳар бир саҳифа – кечаги куннинг изи, ҳар бир сатр – истиқлолнинг жонли гувоҳи. Газетхонларимиз эътиборига тақдим этилаётган "Мустақиллик солномаси" рўкида ана шу хотиралар қайта жонланади.



"Бобур Жалилов ўн икки ёшда. Ҳа, мактаб ўқувчисига хос оддий ўсмир ёши. Лекин Бобурнинг савобли, муқаддас илм – араб имлоси ва ёзувини мукамал ўзлаштириб олганлиги ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқдир..."

**"Ўн икки ёшли муаллим". Ш. Мадалиев.**  
**"Дўстлик байроғи", №14, 1992 йил 11 февраль.**

\*\*\*

"Янги йил олдида Тўлабий туманида жойлашган Первомай қишлоғи лимонад цехи жамоаси аъзолари ёз ойлари учун яхна ичимликлар захираси тайёрлашда давом этмоқдалар. Улар тез орада газ суви ҳам чиқара бошлашади.

Айни вақтда Чимкент пиво-алкоголсиз ичимликлар бирлашмаси бўлиниб кетди. Эндиликда алкогольсиз ичимликлар завуди бозор қийинчиликларини ёлғиз ўзи енгиб ўтиш ниятида..."

**"Ким лимонад беради?" С. Турсуматов.**  
**"Дўстлик байроғи", №2, 1993 йил 5 январь.**

\*\*\*

"Истиқлол сўзи ўтган бир йил давомида дипломимизга энг хушбўй гулнинг муаттар ҳиди мисоли атрини сочиб турди. Ҳа, ҳаммамиз ҳокимлигу зўравонлик, йиллар давомида қўл-оёғимизни боғлаб ташлаган, маънавияту ззуулқда бир тарафламачилликка ўргатиб қўйган, яқна шахсни кўкларга кўтариб, меҳнаткашнинг маҳсулини ялмоғизларча ғажиган фирқавий босқинчилик жамиятининг энди тарих бўлиб қолганлигига оз бўлса-да кўникиб боряптимиз. Ҳаммамиз шу жамиятнинг боласимиз, шу сабаб бўлса керак, бир ишониб, бир ишонмай, гоҳ кўниб, гоҳ кўниқолмай, аста-аста, қийинчиликларига бардош бериб, янгича тузум ичкарисига кириб, сингиб бормоқдамиз. Зеро, бу йўлдан орқага қайтиш йўқ..."

**"Мен билган – билмаган дунё". М. Миразизов.**  
**"Дўстлик байроғи", №8, 1993 йил 26 январь.**

\*\*\*

"Вилоятимизда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш суръати бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори. 1993 йил 1 январига қадар давлатга қарашли 1002 корхона, ишюот хусусийлаштирилган. Улардан 155таси жумҳуриятга қарашли, 847таси эса коммунал мулк ҳисобланади..."

**"Прокуратура ишламоқда". О. Довбня.**  
**"Дўстлик байроғи", №10, 1993 йил 2 февраль.**

\*\*\*

"Жумҳурият Олий Кенгашида сўзга чиқаркан Президентимиз Н. А. Назарбаев бўхрондан чиқиш ва ижтимоий кафолатланган ишюотларнинг асосини конституцион тузумга рюя этиш ташкил қилади, деб таъкидлади. Фақат шундагина энг катта душман – ҳуқуқий ва сиёсий бошбошдоқликка, маҳаллийчиликка қарши туриш мумкин. Акс ҳолда, иқтисодиётнинг аҳволи жиноятчилик пўртанаси билан ўлчана бошлайди..."

**"Бўхрондан чиқиш дастурига – умумхалқ кўмағи".**  
**В. Тришев.**  
**"Дўстлик байроғи", №8, 1993 йил 26 январь.**

\*\*\*

"Мана, бозор иқтисодиёти деб аталмиш мўъжизаларга бой давр бўсағасида турибмиз. Яна бироз вақт ўтиб давлат томонидан маблағ билан таъминланиб турган хизмат турлари ва маҳсулотлар ҳам эркин нархга ўтган, "социализмдан" батамом "капитализмга" ўтиб оламиз.

Ижтимоий ҳаётимизда, мафкура ва муносабат борасида ҳам кўламдор бурилишлар рўй берди. Лекин мени бир нарса ўйлантиради. Бу – тўйлар. Нарх-наво кўкка сапчиб турибди. Кўплар ишсиз. Лекин тўйларимиз ҳамон ўша-ўша. Ичкилик сероб, исрофгарчилик ҳам меъъридан кўп..."

**"Тарки одат амри маҳолми?" П. Нурмуродов.**  
**"Дўстлик байроғи", №63, 1993 йил 1 сентябрь.**



Сайрам туманидаги "Манкент" мактабида "Мўрағер" жамоат бирлашмасининг Манкент қишлоқ бўлими раиси, жамоат фидойиси Сайдиқарим Ғоиповнинг 70 йиллигига бағишланган спорт турнири ўтди.

Унда Оқсувент, Кўлкент, Манкент қишлоқларининг фахрийлари орасида шахматдан, шунингдек, ёшлар орасида волейболдан беллашувлар уюштирилди.

Турнир иштирокчилари нафақат жисмоний маҳоратларини, балки жамоавий бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва дўстлик каби юксак инсоний фазилатларини намойён этдилар.

Мусобақа аввалида вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Шомуродов, Сайрам туман УЭМБ раиси Шопўлат Байме-

## ЭҲТИРОМ КўРСАТИЛДИ



нов, таниқли теннисчи Тўймурод Эшимов, самбодан фахрий спортчи Суннаткул Эгамбер-

ўринбосари Баҳодир Ақромшиқовлар сўзга чиқиб, иштирокчиларга омад тилашди. Сўнг С. Ғоипов жамоат соҳасидаги самарали фаолияти учун "Ўстаз жолы" газетаси таҳририяти томонидан "Ерен еңбегі үшін" ҳамда "Ел ардақтысы" медаллари билан тақдирланди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига С. Ғоипов номидан совғалар ва "Мўрағер" ташкилотининг ташаккурномалари топширилди.

Ушбу тадбир барча иштирокчилар қалбида ёрқин хотира қолдирди.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.



**Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
**Авазхон БУРОНБОВЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Саврон – Шомирза **МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22  
Қазигурт – Хуршид **ҚУЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42  
Сайрам – Зокиржон **МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90  
Тулқибаш – Мунира **САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар **УСМОНОВА.** +7701-257-36-97  
Келес, Саригоҳ – Малика **ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун **МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, режам ва эълон берувчилар масъулдир.  
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди, КЗ64VPY00145638 гувоҳнома берилган.

"ERNUR print" ММБ Босмаханасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.  
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: [janubiy@inbox.ru](mailto:janubiy@inbox.ru)

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Бўғим: 701.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.